

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 4 • 2012



ВЕСТНИК НУУЗ • АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУ АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ 1997 ЙИЛДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

2012
4

Бош муҳаррир:
Ғ.И.МУҲАМЕДОВ

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Б.Э.ХУСАНОВ
Ҳ.А.ТОЙЧИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Б.А. ШОИМҚУЛОВ
Х.АКБАРОВ
Ж.Ш.ДЖУМАБАЕВА
Р.ИКРАМОВ
Ҳ.Д.ИШБАЕВ
Р.МАҲАМАДАЛИЕВ
М.С. МИРСОАТОВА
А.МЎМИНОВ
Н.М.МАЖИДОВ
А.К.РАҲИМОВ
Б. ЭШЧОНОВ
М. ҲАЙДАРОВ

Масъул котиб:
К. РИХСИЕВ

ТОШКЕНТ-2012

МАҲМУДОВ А.В. <i>CROCUS L</i> туркуми айрим турларининг интродукция шароитида гуллаш биологияси.....	120
ЭРГАШЕВА Х.Э. Андижон сув омбори альгофлорасидаги <i>Chlorophytanin</i> г систематик таҳлили...	124
ПАНЖИЕВ С. Ҳақиқат тушунчасининг фалсафий моҳияти.....	127
ТАНГИРОВ Н. Шарқ фалсафасида оламни рационал талқини	131
ХОЛДОРОВ Д. Тун кўйнидан ёруғлик излаб.....	134
ТЎРАҲОНОВ Х. Глобаллашув жараёнида шахс демографик хатти-ҳаракати.....	136
YOUSIF .В.ВABANLI, DILGAM .G.GOULIYEV. Ways to improve the physical training teaching at primary schools.....	139
ХАСАНОВА Р.Б. Маданият ва ворисийлик.....	142
ВАЛИХОНОВА Г. Уйғур халқининг анъанавий ҳордиқ кечалари ҳақида.....	144
ХАСАНОВА С.М. Новые данные по ранней истории Илака.....	147
АЛИМОВА Г.А. Региональная политика в развитии Мировой экономики.....	150
УСМАНОВА М.К. Ҳозирги ўзбек тилидаги айрим сўзлар таркибида содаллашиши	153
АБДУРАҲМОНОВА Н.З. Инглизча матнлардаги эга ва кесим мослашувини ўзбек тилига моделлаштириш.....	155
ШОРАСУЛОВ С.С. Деловая пресса Узбекистана: проблемы и задачи.....	159
КУДРАТХОДЖАЕВ Ш.Т. Медиаобразование: основные понятия, международный опыт и значение в современного Узбекистана	162
РАСУЛОВА С. “АЛВИДО, БОЛАЛИК” қиссасида руҳият тасвири.....	165
ХУЖАМҚУЛОВА М. Дейксисда замон ва макон тушунчаси.....	168
САЙИТҚУЛОВ И. Амир Темур сиймоси Пиримкул Қодиров талқинида.....	170
ТУРСУНОВ Э. Тилдаги миллий ва маданий хусусиятларни ифодаловчи бирликлар.....	174
ЭРГАШЕВА С.О. Проблема языковой актуализации концепта «зрительное восприятие».....	177
ТУЛАГАНОВА М.К. Особенности диалектики аль-Фараби.....	179
ИСАЕВА М. Бадий матнда “ичкилик” семемасини ифодаловчи нутқий бирликларнинг табуланиши ва гендер хусусиятлари.....	182
САЙДАЛИЕВ Ш. Миллий ғоя ва тарихий хотиранинг ўзаро алоқадорлиги	184
АБДУРАҲИМОВ Қ.А. Онглилик ва онгсизлик фикрлаш жараёнининг онтологик воқелиги сифатида.....	187
ШАЙМАРДАНОВА А.Р. XXI аср ва ўзбек тилшунослиги.....	191
НОРБОЕВ А.Ғ. Ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантирувчи асосий компонентлар ва уларнинг амалиётга татбиқи.....	194
МУҲАМЕДОВА Х. Чарлз Диккенсининг “Домби ва унинг ўғли” асарида “бекача” образининг бадий талқини.....	197
МИРЗАЕВ О.С. Қиёфа психологияси.....	199
МУСАЕВ О.Р. Халқ, этнос, миллат каби тушунчаларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилига оид мулоҳазалар	202
УСМОНОВ Д.Ж. Матн турлари, мазмун ва баён тамойиллари.....	206
МИРҲАМИДОВ М. Ижтимоий жараёнларнинг тарихий вақтда намоён бўлиш механизмлари.....	211
УМАРОВА К.Б. Некоторые научные аспекты при разработке исторических карт и атласов ...	214
МАМИРОВА Н.Т. Блок-модулли ёндашув асосида ўқитиш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	216
УБАЙДУЛЛАЕВА И.Ш. Тилшуносликда “қисм-бутун” муносабатлари.....	219
ТЎХТАЕВА Р.Н. Советлар даври пул ислоҳотида мустақиллик тамойиллари асосида ёндашув..	222
ХОЛМУРАТОВА О.А, ДАВРАНОВ К.Д, ЭРНАЗАРОВА М.Э. OOSPORA LACTIS UZLM-1 замбуруғининг липазаси ёрдамида пахта ёғини ферментатив гидролизланиш шароитларини ўрганиш...	225
ЖЎРАЕВ З.М. Мовардий ва унинг давлат бошқарув ҳуқуқи таълимоти –“Ал-Аҳком ас-Султония ва-л-валоёт ад-диния” асари.....	228
ХАЛИЛЛАЕВ Ш.А., НУРЖАНОВ А.А. Турли таркибли озик муҳитларда ўстирилган <i>veauveria brongniartii</i> энтомопатоген замбуруғи ВД-85 штаммининг зарарли хасвага нисбатан вирулентлик хусусиятини ўрганиш.....	236
АЛИМАСОВ В. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳақида муҳим тадқиқот.....	239
ХАСАНОВА Р.Б. Ворисийлик ижтимоий тараққиётнинг муҳим қонуниятлари эканлиги.....	241
ТОЖИЕВА Г.Н. Ўзбек тилида миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг микросистемалари (марказ ва қуршов лексемалари).....	243
АЛЛАМБЕРГЕНОВ Х. Туркий миф ва афсоналарда ғайритабiiий тимсоллар.....	245
МУҲАМЕДОВА Д.Г. Роль социально-психологического климата коллектива в инновационной деятельности менеджера образования.....	249
БАБАХОДЖАЕВА Л.Г. Использование информационных технологий в высшем образовании.....	252

“АЛВИДО, БОЛАЛИК” ҚИССАСИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

Расулова С.*

Тоҳир Малик ўзининг “Заҳарли губор”, “Сомон йўли элчилари”, “Чорраҳада қолган одамлар”, “Қалдирғоч”, “Алвидо, болалик”, “Сўнгги ўқ”, “Чархпалак”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Талваса”, “Иблис девори” каби ўнлаб асарлари билан адабиёт майдонига кириб келди. Адибнинг маҳорат билан ёзилган мазкур асарлари адабиётшуносларимиз назарига тушди, бир қанча тадқиқотлар учун таҳлил манбаи бўлди. У бадий жиҳатдан пишиқ қиссалар ёзиш билан бирга, китобхонни оҳанрабодек ўзига эргаштира оладиган “Меҳмон туйғулар”, “Имонлашиш умиди”, “Жиноятнинг узун йўли”, “Одамийлик мулки” сингари ахлоқий рисоаларни ҳам яратди.

Ёзувчининг асарларини ўқир эканмиз, уларда ҳозирги кун қиёфаси ва биз билан ёнма-ён яшаётган замондошларимиз образи жонли тарзда акс этганини кузатамиз. Хусусан, болалар образига разм соладиган бўлсак, улар беғубор, ҳаёллари паришон, ҳаётнинг аслида қандай шавқатсизлигидан беҳабар, ўз мақсади елиб-югуриб юрган ўсмир бола, мактаб ўқувчиси. Аммо улар ўзларининг характери, ҳаёти, яшаш тарзи, фикрлари билан бир-бирларидан фарк қилади. Уларнинг яшашдан мақсадларини, ҳаётдаги шиорларини ҳам турлича. “Алвидо, болалик” қиссаси руҳият таҳлилининг ўзига хослиги жиҳатидан китобхон эътиборини тортади. Чунки унда беғубор болаликнинг заволи тасвирланади.

“Алвидо, болалик” қиссаси қаҳрамонлари – ўрта мактабнинг юкори синф ўқувчилари Асрор, Салим, Дилфуза ва бошқалар. Илгари қамалиб чиққан Қамариддин, Афғонистонда хизмат қилиб қайтган Талъат уларни жиноят кўчасига бошлайдилар. Болаларнинг билиб-билмай жиноятга қўл уришига сабаб бўлган омилларни ёзувчи уларнинг тарбиясидан, оила муҳитидан кидиради: айрим ота-оналар кунда жанжалдан бўшамайди, баъзилари бойлик тўплашга муқкасидан кетади ва болаларни назорат қилишга вақтлари бўлмайди. Айримлар ажралиб кетиб, болалар аросатда қолади.

Ёзувчи қиссада инсон руҳиятининг сирли ва возик қирраларини қаламга олган. Оддий ҳаётний воқеалар, турмуш зиддиятлари, ўсмирлар болалар аҳволи орқали ўзига хос характерлар яратиб, инсоннинг маънавий фожеасини, руҳий инқирозини, ички кечинмаларини бадий талқин қилади. Асар марказида Қамариддиннинг фожеавий қисмати туради.

Қамокдан қайтган Қамариддин атрофига ўсмирларни йиғиб, пивоҳўрликка ўргатади. Улар бир беғуноҳ кишини дўппослаб, анҳорга итариб юборадилар. Оқибатда у киши ўлади. ИИБ ходими Солиевнинг тинимсиз ҳаракатлари зое кетмайди. Лекин воқеалар ривожини мобайнида Салимнинг умри ҳазон бўлади. Қамариддин турмага тушади. Ёзувчи ўсмир ёшларнинг жиноятчиликка қадам қўйиш илдишларини очишга ҳаракат қилади. Жамиятда ҳукм сураётган лоқайдлик, бепарволикни танқид қилади. “Алвидо, болалик” Тоҳир Малик учун

жиноятчилик олами воқеалари моҳиятини таҳлил этиш, батафсил ёритишда муайян босқич, янада самарали ижод қилиш йўлида тайёргарлик вазифасини ўтади.

“Алвидо, болалик” қиссасидаги Қамариддиннинг онаси тирик етим қилиб ташлаб кетган. Отасининг қимлигини билмайдиган, болалар уйда кун кўриб, одамлардан “қелгинди хароми” каби жонсўз ҳақоратларни эшитишга маҳкум Қамариддин қалбида инсониятга қарши чексиз нафрат, ғазаб олови ёнади. У ўзи каби кўнгли кемтик болалар қалбига озор берган, ҳаққига хиёнат қилган қимсаларга аёвсиз зарба беради. Қамариддиннинг ўз қонунлари қаричи билан ўлчаганда, бундай нопок одамлар ит каби ўлим топмоғи керак: “Нима учун гуноҳкор эмас, беғуноҳ одам жазоланади? Айбим ота-онам йўқлигимми, етимлигимми? Энди ҳаминша шундай бўлаверадими? Нима қилишим керак? Ҳимоячим ким менинг?” Қамариддин кўп ўйлади. У ҳаётда бундан баттар ноҳақликлар ҳам борлигини ҳали билмасди. Унинг учун энг катта ноҳақлик – тирик етимлик. Бошқа ноҳақликлар шундан келиб чиқаверади. “Сенинг ҳисоячинг йўқ, ҳеч ким сенга қайишмайди, ноҳақликка қарши ўзинг курашишинг керак. Ўзингни ўзинг ҳимоя қил, кураш енгиб чик. Қимлигингни кўрсат уларга! Агар енгиб чиқолмасанг, ўзингни кўрсатиб қўя олмасанг, ўлиб кетганинг минг марта яхши!”.

Ақл нуқтаи назаридан қараганда бу нотўғри қарор, бироқ яхшилар меҳрига муҳтож, қалби зада бола учун эса бирдан бир тўғри йўл шу эди. Бу тушунчалар Қамариддиннинг онгида болалигидаёқ илдиз отиб улгурган. Жамиятдан аламзадалиги ортган Қамариддин 6-синфда ўқиб туриб, илк бора жиноятга қўл уради, мурғак бола ёшида қамалиб кетади. Бундан кейин рўй берадиган ҳодисалар ўз-ўзидан дахшатларга лиммо-лим. Қалбдаги нафрат Қамариддинни кўрқинчли шахсга айлантирган. Шу боис ундан кўрқадиганлар, жабр кўрганлар беҳад кўп. Қамариддин туғруқхонада кўз очиб, болалар уйда тетапоя бўлди, болалар уйда эсини таниди. Ота-она меҳри, кирдик қони тўкилган уй деган тушунчалар унга бегона. Ҳаёт қисмати нақадар аччиқлигини қаранг! Қамариддиннинг онаси ундан воз кечади. Ўз онанг юз ўгирса-ю, бегона аёл муруват қилса. Бу бегона аёлнинг муруватига ҳам жамият органлари қаршилик қилса. Унинг бу дунёдаги ёлғизгина меҳрибони бувиси эди. Бувисидан кейин Қамариддин оламаро ёлғиз ўзи қолди. У аслида салбий қаҳрамон, лекин адиб ўқувчида унга нисбатан нафрат эмас, балки ачиниш, хайрихоҳлик туйғуларини уйғотади. Қамариддин адашган одам. Уни ҳаёт, бешафқат одамлар шу қўйга солади. Ундаги аламзадалик қора булути ҳар қандай ёруғлик, ҳар қандай нурга тўсиқ бўла оларди. Хуллас, яхшилик йўли унинг юрагига йўл топмади, қалбига сепилган яхшилик уруғи ёруғлик-

* Расулова С. – Ўзбекистон Миллий университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

дан бебахра бўлгани учун униб чиқмади... бир неча кишига бўлган газаби ортиб, бутун одамзодга бўлган нафратига айланди. Балки ўн йил она меҳридан бебахра бўлиб, етимхонада катта бўлмаганида у бу қадар шафқатсиз бўлмасмиди... Қамариддин Асрорга шундай дейди: “ – Профессор башарангда ранг қолмабди. Шунчалик кўрқипсанми? Сен кўрқма. Ўзим ўтирсам ҳам сени тортмайман. Болаларга ҳам тайинлайман. Сен йўқсан орамизда. Сен ичимизда башкалик боласан. Ўқишинг керак. Мен барибир камалиб кетаман. Агар бугун бўлмаса эртага. Сенга ўн беш йил вақт бераман. Агар ўн беш йилда профессор бўлолмасанг, ўғриларга қўшиб юбораман”. Асрор ҳам бошқа болалар ҳам Қамариддиннинг ичидаги дардини билишмайди. Асрор сизди ва ўзича шундай тўхтамга келди: Демак, ўзи эришолмаган даражани менга инъом этмоқчи. Қамариддин инсонларни тушуна олади. У Дилфузага ачинади ва Асрорга шундай дейди: “ – Сенга бир маслаҳат айтай: Анави маржага уйлан, яхши кўрмасанг ҳам уйлан. Унинг юраги яримта. Уйлангин-у, аммо бурнингдан ип ўтказиб олишига йўл қўйма”. Дилфуза ҳам болалар уйдан чиққанлигини, унинг ҳам ҳаётнинг турли зарбаларига дучор бўлганлигини, бошидан турлитуман ёмон кунларни ўтказганлигини Қамариддин билар эди. Шунинг учун ҳам бу қизга нисбатан меҳр-шафқат ҳисси уйғонади.

Асардаги Асрор ҳам мураккаб образдир. Унинг ота-онаси бор. Оиласи бутун. Ташқаридан қараганда ҳеч бир армони, дарди йўқдек туюлади. У иктидорли болалар мактабидан “отарчи” отасига ёрдамлашиш учун кетади. Кўча безориси Қамар билан Салим орқали танишади. У одам ўлдиришда иштирок этади, лекин энди унинг виждони азобда. “Милиция... Унинг ортидан камок... Шу фикрнинг ўзиёқ уни ғиппа бўғиб турибди.

Кўзини юмди. Ўша одамнинг нигоҳлари... Кўзлари унга тикилиб турибди. “Мен сенга нима ёмонлик қилдим”, деб сўраяпти. Асрор аниқ эслайди: қорнига терган пайтда у одам шундай қарагандай бўлди. Қизик, нимага у одамнинг кўзлари кўрғинияпти? Ахир қоронғи эди, кўзларини кўрмаган эди-ку?”. Асрор яхши бола. Аммо у талвасага тушиб ўзини ҳалок қилади. Агар отаси унга шаронг яратиб берганда эди, Қамариддинга қўшилмас, умри бевақт хазон бўлмас эди.

Адабиёт дарсида РайОНОдан “Бахтли болалик” мавзусида эркин иншо ёзиш берилади. “Асрор дафтар орасидан икки варақ йиртиб олиб, “Бахтли болалик” деб ёзди-да, ўйга толди: Зоир тўғри айтади. Иншо эркин бўлганидан кейин ҳаммани мажбур қилишнинг нима кераги бор? Ҳамма ўзини бахтли деб ҳисоблайдими? Ана, Туроб, акасининг жасадини Афғонистондан олиб келишди. Онаси бунга чидалмай жинни бўлиб қолди. Ҳозир жиннихонада. Етти бола отасининг ўзига қолган. “Мен бахтлиман...” деб бошлайдими иншосини. Манзура-чи? Отаси кетиб қолган. Онаси иккови туради. У нима деб ёзади? Отауллога ҳам қийин. “Мен бахтлиман, чунки отамнинг пули кўп” дея олмайди. Аслида-ку, улар пулнинг кўплигини бахт деб билишади. Лекин очик айта олишмайди.

Пул денгиз бўлиб мавжланади, уларнинг уйида. Бироқ ўзлари хоҳлаганча ишлата олишмайди. Бу бахтми ёки бахтсизлик? Ҳар ҳолда нима деб ёзаркан, у бойвачча? Бунақа гапларга Зоир уста, қотириб ташлайди. Умуман, убахтли бола. Ота-онаси инженер, уйда ўзию синглиси. Газетага хабар ёзади. Нима истаса шунга эришади. Эргаш-чи? Отаси аравақаш. Дарс тугаши билан сомондозорга югуради. Шунинг ёзади-ми? Агар Дилфузаларга ҳам шу мавзу берилса у нимани ёзади? Икки оёғи қирқиб ташланган отасининг инжикликлари, онасиз қолишнинг нақадар бахтсизлик эканини баён қиладилми? Хўш, ўзим-чи? Ўзим нимани ёзай, кечаги воқеаларим ёки отам билан тўйма-тўй юришимни? Отамнинг ўйинчи хотинга суйқалишиними? Асрор бу мавзудаги иншони ёзмайди. Агар у шу иншони ёзса, ўзига ва ҳақиқатга хиёнат қилар эди.

Асар якунида Асрорнинг тақдири жуда аянчли тасвирланади. У дўсти Салимнинг қонга беланган куйи ўзлари ўлдирган одамнинг қўлида турганлигини кўриб уни кутқармоқчи бўлади. Алал оқибат ўзи ҳам сувга ғарқ бўлади. “Асрорнинг кўзи тинди. Сувда нимадир шалоқлади. Асрор қаради – бақирмоқчи бўлди, овози чиқмади, бўғиқ хириллади. Сувдан ўша одам бел баробар чиқиб турибди. Кулади. Қўлида қонга беланган Салим. Салим хўрсиняпти...

“Сен келмадинг, мана Салимни чақирдим. У келди”.

“Қўйиб юборинг уни, ўзим бораман”.

“Жонингга тегдими ҳаммаси?”

“Жонимга тегди”.

“Кел бўлмаса”.

“Бораман, Салимни қўйиб юборинг. Салим, мана буни ол, Қамар берди”.

Сув шалоқлади. Дам ўтмай қоронғулик босиб турган лойқа сувда Асрор кўринмай қолди.

Спортчиларнинг чарм халтаси эса енгил кемадай чайқалиб-чайқалиб тўғон сари оқиб борарди...”

Адиб қиссада қахрамонлар дунёсини руҳий таҳлил усули воситасида далиллаш йўлидан фойдаланиб тасвирлайди. Асардаги бегуноҳ ёш қиз Дилфузанинг изтироблари мана шундай берилади: “Дилфузага, қўнгли ярим бечора қизга онасининг ўлими, отасининг бахтиқаролиги каммиди? Бундай боқира қизга бундай ёзуғнинг нима кераги бор эди? Отасининг уйланиш ниятида эканини, яна ким – ўз муаллимаси Азимхонова билан турмуш қурмоқчи эканидан хабар топгач, ҳасратини кимга айтишни билмай қолди бу қиз. Ҳасратини тошга айтса – тош тарс-турс ёрилиб кетмасмиди, дарёга айтса – сув орқасига оқмасмиди, осмонга айтса – осмон қок иккига бўлинмасмиди... Қиз боланинг ҳасратига тош чидамаса, сув чидамаса, осмон чидамаса... яна ҳам шу митти юрак чидар экан. Дилфуза ичига ютди дардларини, ҳасратларини. Онасининг суратига қараб соатлаб гаплашиб ўтирди. Мана шу сурат атрофида, ошхонада, меҳмонхонада, ётоқда... бегона бир аёлнинг юриши кўз олдига келганда чинқириб юборай деди. Бироқ лабларини тишлаб, фарёд йўлини тўса олди...”

Хуллас, ёзувчи бугунги кун билан ҳамоҳанг ҳодисаларни, баъзан ён-атрофимизда кўзга тапшланиб қоладиган воқеаларни, маънавий-ахлоқий иллатларни, тубан инсонлар тақдирини, болаларнинг аянчли қисматини қаламга олар экан,

албатта, ҳаётий ҳақиқатга таянади, уни бор бўйича тасвирлашга ҳаракат қилади. Қиссада инсонларга хос бепарволик, ўзга болалар тақдирига лоқайдлик каби ижтимоий иллатлар аёвсиз танқид қилинади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Малик Тоҳир. Алвидо, болалик. – Тошкент: Адолат, 2003. – Б. 45, 38, 11, 62.
2. Малик Тоҳир. Мурдалар гапирмайдилар. – Тошкент: Шарк, 2004.
3. Малик Тоҳир. Талваса. – Тошкент: Шарк, 2010.
4. Малик Тоҳир. Алвидо, болалик. – Тошкент: Адолат, 2009. – Б. 364,
5. Малик Тоҳир. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Шарк, 2004.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена повести Тахира Малика «Алвидо, болалик», главные герои которой Камариддин, Асрор и Дилфуза. В произведении анализируется психологическое состояние героев, описываются причины их попадания в преступный мир молодежи.

REZUME

This article about the tale Takhir Malik's "Adieu childhood". In this tale descriptions entering cause the world criminality youth. In this tale reflection Qamariddin, Asror, Dilfuza's fate disturbed dreadful soul.